

Юлдашев Нурбек Нормуродович
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтини, катта илмий ходим (PhD)

AROPE ИНДЕКСИ ЁРДАМИДА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ЎЛЧАШ: МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Аннотация: Ушбу мақолада жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган ва аҳоли камбағаллиги ҳамда ижтимоий чекланганлигини комплекс баҳоловчи AROPE индексининг методологик асослари таҳлил қилинган. Тадқиқотда индекснинг учта асосий компоненти — нисбий даромад бўйича камбағаллик, моддий ва ижтимоий депривация ҳамда меҳнат бозорида фаолликнинг пастлиги кўрсаткичлари ўртасидаги манتيқий боғлиқлик очиқ берилган. Шунингдек, хорижий давлатларнинг ушбу индексни қўллаш борасидаги тажрибаси ўрганилиб, ундан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: AROPE индекси, кўп ўлчамли камбағаллик, ижтимоий чекланганлик, нисбий камбағаллик, моддий депривация, меҳнат бозоридаги фаоллик, методологик таҳлил, ижтимоий сиёсат.

Юлдашев Нурбек Нормуродович
Институт макроэкономических и региональных
исследований при Кабинета Министров
Республики Узбекистан, старший научный сотрудник (PhD)

ИЗМЕРЕНИЕ УРОВНЯ БЕДНОСТИ С ПОМОЩЬЮ ИНДЕКСА AROPE: МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Аннотация: В данной статье анализируются методологические основы индекса AROPE, широко используемого в мировой практике и комплексно оценивающего бедность и социальную ограниченность населения. В исследовании раскрыта логическая связь между тремя основными компонентами индекса - показателями бедности по относительному доходу, материальной и социальной депривации, а также низкой активностью на рынке труда. Также был изучен опыт зарубежных стран по применению данного индекса и разработаны научно-практические предложения по его использованию в Узбекистане.

Ключевые слова: индекс AROPE, многомерная бедность, социальные исключения, относительная бедность, материальная депривация, активность на рынке труда, методологический анализ, социальная политика.

Yuldashev Nurbek Normurodovich
Institute of Macroeconomic and Regional Studies
under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan,
Senior Researcher (PhD)

MEASURING POVERTY LEVEL USING THE AROPE INDEX: METHODOLOGICAL ANALYSIS AND FOREIGN EXPERIENCE

Abstract: This article analyzes the methodological foundations of the AROPE index, which is widely used in global practice and provides a comprehensive assessment of poverty and social exclusion among the population. The study reveals a logical connection between the three main components of the index—indicators of relative income poverty, material and social deprivation, and low labor market activity. The experience of foreign countries in applying this index was also studied, and scientific and practical proposals were developed for its implementation.

Keywords: AROPE index, multidimensional poverty, social exclusion, relative poverty, material deprivation, labor market activity, methodological analysis, social policy.

Кириш

Ўзбекистонда сўнгги йилларда камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ушбу глобал муаммога энг кичик бошқарув органлари, яъни маҳалла даражасидан мамлакатнинг энг юқори муассасаларигача бирдек ёндашган ҳолда, умуммиллий масала сифатида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Умуман олганда камбағаллик фақатгина аҳолининг даромадлари етишмаслиги эмас, балки унинг жамиятда муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ижтимоий ва моддий имкониятлардан маҳрум бўлиши ёхуд чекланганлигини англатувчи кўп ўлчамли ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. XXI асрга келиб камбағалликни фақатгина монетар (даромад ёки истеъмол қиймати орқали) мезонлар билан баҳолаш инсон капитали ва ижтимоий ҳимоя тизимининг асл ҳолатини тўлиқ кўрсата олмаслиги маълум бўлди. Шу боис, халқаро амалиётда камбағаллик ва ижтимоий чекланганликни комплекс баҳолашга хизмат қилувчи замонавий индикаторлар ишлаб чиқилди.

Ана шундай илғор ва дунёда кенг эътироф этилган услублардан бири AROPE (инг. – “*At Risk of Poverty or Social Exclusion*” сўзлари қисқартмаси) индекси, яъни “камбағаллик ёки ижтимоий чекланганлик хавфи остида яшовчи аҳоли улуши” индекси амалиётда қўлланилади. Индекс одатда аҳоли ва уй хўжаликларига оид учта компонент: i) монетар камбағаллик даражаси; ii) моддий депривацион камбағаллик даражаси ва iii) меҳнат салоҳиятининг пастлиги даражаси кўрсаткичларини комплекс бирлаштирган ҳолда ҳисоблаш орқали аниқланади.

Ушбу кўрсаткич Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш мақсадлари, шунингдек “Европа 2020” ва “ЕИ 2030” стратегияларида аҳоли фаровонлигини мониторинг қилишнинг бош мезонларидан бири сифатида белгиланган[1]. Хусусан, Европада 2030 йилга бориб AROPE индекси бўйича камбағал ҳисобланадиган аҳоли сонини ҳозирги 92,0 млн нафардан[2] 15,0 млн нафаргача пасайтириш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда ҳам бугунги кунда миллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда кўп ўлчамли камбағаллик индексларини жорий этиш ва хориж тажрибасини тизимли ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан ушбу мақола AROPE индексининг методологик асослари, ундан фойдаланиш бўйича халқаро тажрибалар ва мамлакатимизда амалиётда жорий этиш имкониятларини таҳлил қилишга бағишланади.

Адабиётлар таҳлили

Хорижий илмий адабиётлар ҳамда амалга оширилган тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқиб, AROPE индексини ўрганиш ва бу борада ўтказилган тадқиқотларни икки даврга бўлиш мумкин: 21 асргача ва ундан кейинги даврда амалга оширилган илмий ишланмалар.

Умуман индексни илк бор ҳисоблаш ва амалиётга киритиш аниқ бир олим томонидан амалга оширилмаган, балки Европа Иттифоқи Статистика қўмитаси (Eurostat) томонидан ишлаб чиқилган ҳамда 2010 йилда расмий равишда муомалага киритилган[3]. 2021 йилга келиб эса у ҳар томонлама

такомиллаштирилган ҳолда, кўрсаткичларни янада аниқроқ ифодалаш мақсадида методологик ўзгартиришлар киритилиб эълон қилинди.

Индекс ва унинг компонентлари бўйича ўзига хос “классик” тадқиқотлар 1970-80 йилларга бориб тақалади. Хусусан, инглиз олими Питер Таунсенд (1979) биринчи бўлиб камбағалликни фақат даромад эмас, балки жамиятда одатий ва кундалик ҳаёт тарзида зарур бўлган имкониятлардан маҳрум бўлиш (deprivation) сифатида таърифлаган [4].

Бундан ташқари инсон тараққиёти ва камбағаллик борасида қатор илмий ютуқлар ҳамда ўзига хос мактаб яратган яна бир олим Амартея Сен (2000) камбағаллик даражасини ҳисоблашнинг кўп ўлчамли ва депривацион моделларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди [5].

Бироқ юқорида қайд этилган олимлар ўз тадқиқотларида AROPE индексининг айрим компонентлари бўйича тадқиқотлар олиб боришган. Индекснинг барча компонентлари, хусусан ижтимоий индикаторлар бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борган ҳамда кейинчалик индекс ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилган назариялар муаллифи Тони Аткинсон (2002) тенгсизлик ва камбағаллик каби ижтимоий индикаторлар инсон ҳаёт кечириши даражасини аниқлашда муҳим роль ўйнайди, деган фикрни олға суради [6]. Шунингдек, Б.Нолан ва С.Уилан (2011) каби олимлар Европада камбағаллик ва ижтимоий депривация бўйича амалга оширган тадқиқотларида монетар камбағаллик ва депривацион чекланганлик доим ҳам бир бирига мос келмаслигини, яъни даромадлари белгиланган чегарадан баланд бўлган инсон ёки оила жамиятдаги айрим ижтимоий имкониятларга эга бўлмасдан, чегараланган ҳолда турмуш кечириши мумкинлигини билдирган [6]. Ёки аксинча даромадлари кам бўлган оилалар ўзларини жамиятда чекланган ҳисобламасликлари мумкин. Шу нуқтаи назардан олимлар AROPE индексига ўхшаш махсус ва комплекс баҳолаш имконига эга кўрсаткичларни амалиётга жорий этиш зарурлигини асослашган.

AROPE индексини жорий этиш ва ундан фойдаланиш зарурлиги ҳамда индексни янада такомиллаштириш борасида кўплаб назарий таҳлилларни амалга оширган А.Гио, Д.Гордон, Э.Марлье (2016-2017) классик депривацион камбағаллик даражасини аниқлаш индикаторларини 9 тадан 13 тагача ошириш ва ҳар бир оиланинг AROPE индексини аниқлашда индивидуал ёндашув зарурлигини, шунингдек, индексни ҳисоблашда сўровномаларнинг нақадар муҳимлигини асослаб беришган [7].

Юқоридагилардан ташқари П.Коупленд ва М.Дели амалга оширган тадқиқотларида “Europe 2020” стратегиясида AROPE индекси орқали камбағалликни 20 миллионга камайтириш мақсади қўйилганини, аммо бу мақсад иттифокдаги мамлакатлар учун миллий даражада қатъий мажбуриятга айланмагани сабабли 2020 йилга келиб қутилган натижани бермаганини иқтисодий-сиёсий нуқтаи назардан таҳлил қилишган [8].

Шу билан бирга, AROPE индекси мамлакатларда миллий даражада ҳисобланганда ҳудудлараро катта тафовутлар вужудга келиши, хусусан марказий ва йирик шаҳарлар билан чекка ва олис ҳудудлар учун ягона индекс

ҳисобланишини танқид қилган олимлар (Д.Дапена ва бошқ 2021) микро даражада индексни ҳисоблаш методологиясини таклиф қилишади[9].

AROPE индексини ўрганиш бўйича адабиётлар таҳлиliga кўра умумий хулосалар куйидагилардир.

1. Ушбу индекс камбағаллик даражасини ўлчашнинг нисбатан такомиллашган варианты бўлиб, у нисбатан иқтисодий-ижтимоий ривожланган давлатлар ва ҳудудлар учун мос келади. Чунки, индекс таркибида ҳам монетар, ҳам кўп ўлчамли индикаторларнинг мавжудлиги аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини кенг миқёсда қамраб олиш имконини беради.

2. Индексни қўллаш ва ҳисоблашда ҳудудлардаги кекса ва меҳнатга лаёқатли ёшдагилар учун алоҳида камбағаллик даражасини аниқлаш тўғри натижа бермаслиги мумкин, зеро ушбу тоифадаги инсонлар меҳнат бозорида тўлиқ меҳнат ресурслари таркибига киритилмаслиги учун уларнинг меҳнат фаоллигини ҳам ҳисоблаб бўлмайди.

3. AROPE индекси ҳудудлардаги ташқи ва ички фавқулотда вазиятлар, кутилмаган молиявий, иқтисодий, техноген ва экологик шоклар рўй берган шароитда тез ўзгариши мумкин. Шундан келиб чиқиб, индекснинг барча компонентларини вазиятдан келиб чиқиб ўзгартириш мумкин. Мисол учун, Европадаги 2008-2011 йиллардаги молиявий инқироз даврида айрим жанубий Европа давлатларида AROPE индекси қандай кескин ошгани ва бунда монетар кўрсаткичлардан кўра моддий депривация вазиятни аниқроқ кўрсатиб бергани таҳлил қилинган [10]. Ёки 2019-2020 йиллардаги пандемия даврида жаҳоннинг аксар мамлакатларида индекснинг меҳнат бозоридаги фаоллик компоненти кескин тушиб кетгани билан алоҳида тавсифланади.

4. Индексни ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш борасида тадқиқот ўтказган олимларнинг умумий ягона хулосасига кўра, мамлакатларда БРМ мақсадларига ҳамоҳанг ҳамда миллий камбағаллик чегараларини ҳисоблаш ва қабул қилишга муқобил тарзда AROPEдан фойдаланиш мумкин. Бироқ индекс ва унинг субиндикаторлари бўйича аҳоли ва оилалардан маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ҳамда аниқ натижаларга эришиш кенг қўлланма ва сифатли танлама кузатувларни талаб этади. Тадқиқотлар эса ўз-ўзидан молиявий ва инсон ресурсларига боғлиқдир.

Тадқиқот методологияси

Мақолада аҳоли камбағаллик даражасини ҳисоблашда анаъанавий усуллардан фарқли AROPE индексида ҳисоблаш методологияси таҳлил қилинган. Унда умумий, қиёсий ва SWOT таҳлил (индекснинг ижоюий ва салбий жиҳатларини баҳолаш) усулларида фойдаланилган. Шу билан бирга, индекснинг амалиётда қўлланилиши, монетар ва депривацион камбағалликни қисқартириш, меҳнат бозоридаги фаоллик ҳамда бандлик имкониятларини ошириш бўйича Германия, Бельгия, Скандинавия мамлакатлари тажрибаси ўрганилди. Бундан ташқари, мақолада Европа статистика бюроси, Жаҳон банки, Ўзбекистондаги вазирлик ва идоралар маълумотларидан фойдаланилди.

Асосий қисм

AROPE индекси — инсонлар ёки оилалар турмуш даражасининг турли жабҳаларини қамраб олувчи ҳамда яшаш шароитини баҳоловчи мураккаб

кўрсаткич бўлиб, у одатда қуйидаги формула бўйича 3 та субиндикатордан иборатдир.

$$AROPE = MP + SD + WI;$$

Бунда, формулада акс этган субиндикаторлар қуйидагича тавсифланади:

1. **MP (At Risk of Monetary Poverty)** – “монетар камбағаллик хавфи” маъносини англатувчи нисбий камбағаллик чегараси ҳисобланади. Одатда Европа мамлакатларида индекснинг ушбу субиндикатори аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача миллий даромад (медиана даромад)нинг 60 фоизидан кам даромад олувчи уй хўжаликларини улушидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бироқ индексни турли ижтимоий-демографик гуруҳларга татбиқ этиш мақсадида монетар камбағаллик даражасини эквивалентлик шкаласи бўйича тақсимлаб ҳисобланади. Бу шкала бўйича оиладаги биринчи катта ёшли аъзога 1.0, кейинги катта ёшлиларга 0.5 ва 14 ёшгача бўлган болаларга 0.3 коэффициент берилган ҳолда даромадлар аниқланади.

2. **SD (Severe Material and Social Deprivation)** - *чуқур моддий ва ижтимоий маҳрумлик (ёки депривация)*. Субиндикатор орқали уй хўжалиги ёки шахснинг жамиятда нормал яшаш учун зарур бўлган моддий неъматлар ва ижтимоий хизматлардан фойдалана олмаслик ҳолати ўлчанади. Одатда Европа иттифоқи мамлакатларида ушбу субиндикаторни ҳисоблаш учун 13 та (6 таси индивидуал-шахсий ва 7 таси оила ёки хонадонга оид) элементдан фойдаланилади. Улар қуйидагилардир:

1. Интернетга уланиш имкониятининг мавжудлиги;
2. Эскирган кийимини янгисига алмаштириш имконининг мавжудлиги;
3. Шахсий ўлчамга мос келадиган икки жуфт пойабзалнинг мавжудлиги;
4. Шахсий эҳтиёж учун ҳафталик харажатга сарфланадиган маблағнинг бўлиши;
5. Ҳордиқ чиқариш тадбирларида доимий қатнаш олиш имконияти;
6. Бир ойда бир марта дўстлар/оила аъзолари билан учрашган ҳолда тушлик ёки кечки овқатни биргаликда тановул қилиш имкониятининг мавжудлиги.
1. Оиланинг қутилмаган молиявий харажатлари учун имкониятнинг мавжудлиги;
2. Бир йилда бир ҳафтага уйдан узоқда ҳордиқ чиқариш имконияти мавжудлиги;
3. Тўловлардан (ипотека кредитлари, ижара, коммунал ва бошқалар) қарз бўлмаслик;
4. Ҳар икки кунда бир марта гўшти (товуқли, балиқли ва бошқа юқори калорияли) таомлар истеъмол қилиш имкониятининг мавжудлиги;
5. Хонадонда етарли иссиқликни таъминлаш имкониятининг мавжудлиги;
6. Шахсий автомобил ёки фургонга эга бўлиш;
7. Эскирган мебелларни янгисига алмаштириш имкониятининг мавжудлиги [11];


3. **WI (Very Low Work Intensity)** - *меҳнат фаоллигининг ўта пастлиги*. Уй хўжалигидаги меҳнатга лаёқатли аъзоларнинг йил давомида ўз салоҳиятига нисбатан қанчалик кам банд бўлганини (20 фоиздан кам) кўрсатадиган учинчи субиндикатор. Ушбу субиндикаторни янада кенгроқ тавсифлаш учун Евростат методологиясидан фойдаланиш мумкин:

Меҳнат фаоллиги паст бўлган уй хўжаликларида яшайдиган 65 ёшгача бўлган шахслар, яъни ўтган йилдаги умумий потенциал иш вақтининг 20 фоизи ва ундан кам бўлган иш вақтида банд бўлган уй хўжаликларида яшовчи меҳнатга лаёқатли ёшдаги катталар (18-24 ёшдаги талабалар, ёшга доир пенсияга чиққан ёки ҳар қандай пенсия оладиган шахслардан ташқари 18-64 ёшдагилар, шунингдек, 60-64 ёшдаги нофаол ва асосий даромади пенсия бўлган уй хўжалигида яшайдиган шахслар ҳисобга олинмайди) улуши[12].

Юқоридагидан келиб чиқиб, бирор шахс ёки уй хўжалиги ушбу учта мезоннинг камида биттасида белгиланган чегара, мезон ёки ўлчамдан кам бўлса, у AROPE индекси бўйича “камбағал” деб таснифланади.

Шу билан бирга, AROPE тизими ҳар бир шахс ва оиланинг ижтимоий ҳолатини тўлиқ баҳолаш имконини беради. Агар бирор шахс ҳам кам даромадли, ҳам моддий чегланганлик ҳолатида яшаса, у индексда фақат бир марта ижтимоий заиф сифатида қайд этилади. Айрим адабиётларда индекснинг барча субиндикаторлари бўйича камбағаллик мезонидан паст даражада яшаётган аҳоли нисбатан камбағалликнинг қуйи даражасида яшаётган деб тавсифлаш мумкинлиги қайд этилган.

Субиндикаторларнинг ўзаро боғлиқлигини қуйидаги расмда кўриш мумкин.



1-расм. 2025 йилда Европа Иттифоқи мамлакатларида AROPE индекси бўйича камбағаллик хавфи остида бўлган аҳоли улуши. Манба: Eurostat ([ilc_pees01n](https://ec.europa.eu/eurostat/tgm/table.do?tab=table&init=1&language=en&plugin=1)).

1-расмдан кўриш мумкинки, Европа Иттифоқида 2025 йилда аҳолининг 23,5%и AROPE индекси бўйича камбағаллик хавфи остида яшаётганлар ташкил этади. Аслида бу катта кўрсаткич, бироқ фақат монетар камбағлик даражасидан пастда яшаётганлар 10,3%ни ташкил этса, қолган субиндикаторлар билан бирга 17,3%ни ташкил этган. Шу ўринда, ўтган йилда ЕИ мамлакатларида индекс бўйича камбағал аҳолининг салкам 44,0%и монетар камбағаллик даражасидан пастда яшаганлигини қайд этиш зарур.

AROPE индексини янада аниқроқ ва содда тавсифлаш учун қуйидаги 1-жадвалга эътибор қаратиш зарур (1-жадвал). Айтайлик, кетма-кет 10 та

хонадондан сўров асосида ҳар учта субиндикатор бўйича ҳолат аниқланди. Сўров ўтказилган 10 та оиланинг 5 таси ҳар 3 та субиндикатор бўйича камбағаллик даражасидан юқори яшамокда. Шундан келиб чиқиб, ўрганилган ҳудудда АРОПЕ индекси бўйича камбағаллик даражаси 50,0%ни ташкил этади, дейиш мумкин. Аммо индекс бўйича энг камбағал аҳоли улуши сифатида ҳар 3 та субиндикаторда белгиланган мезонлардан паст даражада яшовчилар, хусусан жадвалда улар фақат 1 та оилада кузатилгани боис 10,0%ни ташкил этса, 3 та оилада 2 та субиндикатор бўйича ва яна 1 та оилада битта субиндикатор бўйича камбағаллик кузатилган.

1-жадвал

АРОПЕ индексини аниқлашга қаратилган сўров натижалари (намуна)

Сўров ўтказилган оиланинг тартиб рақами	Монетар камбағаллик	Моддий депривация	Меҳнат фаоллигининг пастлиги	АРОПЕ индекси бўйича камбағалми?
1	Бор	Бор	Бор	Ҳа
2	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
3	Йўқ	Бор	Йўқ	Ҳа
4	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
5	Бор	Бор	Йўқ	Ҳа
6	Бор	Йўқ	Бор	Ҳа
7	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
8	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
9	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
10	Йўқ	Бор	Бор	Ҳа

**муаллиф ишланмаси.*

Халқаро амалиётда, айниқса Европа мамлакатларида АРОПЕ индекси ижтимоий ҳимоя сиёсатида кучли воситалардан ҳисобланади. Қуйида айрим мамлакатларнинг ушбу индексни қўллаш тажрибасини кўриш мумкин:

2-жадвал

Мамлакат	Асосий жиҳатлар	Амалдаги ҳолат	Натижалар
Германия	Ижтимоий трансфертлар ва субиндикаторлар мониторинги	Аҳолининг тахминан 20,0% индекс бўйича камбағаллик хавфи остида яшайди.	Нафақалар тўланиши натижасида монетар камбағаллик хавфи 30-40% га камаяди.
Бельгия	Субъектив камбағаллик ва АРОПЕ ўртасидаги боғлиқлик	SD бўйича аҳолининг 85,0%дан ортиғи ўзини субъектив равишда камбағал ҳисоблайди.	Комплекс баҳоланади ва мақсадли ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилади.
Скандинавия давлатлари	Иш билан бандлик ва WI индикаторини пасайтириш	АРОПЕ индекси ЕИ бўйича энг паст кўрсаткичлардан биридир (13-16%).	Оилавий МТМлар ва фаол меҳнат бозори сиёсати орқали меҳнат фаоллиги юқори даражада сақланади.

**муаллиф ишланмаси.*

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда камбағалликни аниқлаш ва баҳолашда катта қадамлар ташланди. 2021 йилдан бошлаб мамлакатда минимал истеъмол харажатлари (МИХ) қиймати жорий этилиб, у мутлақ камбағаллик чегараси сифатида қўлланилмоқда[13]. Шунингдек, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари орқали камбағал оилаларнинг рўйхати ва уларга кўрсатиладиган ёрдамлар тизимлаштирилди. Кейинчалик кўп ўлчамли индекс усулида умумий ва болалар камбағаллиги ҳисоблаб эълон қилинди.

Бироқ, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ривожлангани сари камбағалликни фақатгина МИХ асосида мутлақ ўлчаш етарли бўлмай қолади. Шу боис, халқаро AROPE индекси тажрибасини миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда босқичма-босқич амалиётга жорий қилиш ёки амалдаги миллий мезонларга муқобил тарзда ҳисоблаш фойдадан ҳоли эмас.

Халқаро тажрибалар ва таҳлилидан келиб чиқиб Ўзбекистонда ҳам AROPE индексини амалиётга жорий этиш учун қуйидаги имкониятлар мавжуд.

1. MP бўйича муқобил вариант. Мамлакатда бугунги даврда мутлақ камбағаллик мезони (МИХ) миллий камбағаллик чегараси сифатида қабул қилинганлиги ва шу ўлчамда камбағаллик даражаси эълон қилинаётганлигидан келиб чиқиб, нисбий камбағаллик чегараси ўрнида мутлақ камбағалликдан фойдаланиш мумкин, бирор келгусида албатта нисбий камбағаллик (медиана даромаднинг 50 ёки 60 фоизи миқдорида) индикаторини ҳам статистик баҳолашга ўтиш зарур. Бу иқтисодий тенгсизлик ва ўрта қатламнинг шаклланиш жараёнини кузатишга ёрдам беради.

2. SD рўйхатини жорий этиш. Мамлакатда амалда қўлланилаётган кўп ўлчамли индекс усулида камбағаллик даражасини аниқлаш методологиясига қўшимча равишда депривация усулидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун, Европа мамлакатлари учун хос бўлган баъзи элементларни (масалан, таътилни уйдан ташқарида ўтказиш) Ўзбекистон шароитига мослаштириш зарур. Бундан ташқари, AROPE индексидаги 13 та депривация компонентида қўшимча сифатида қуйидагиларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ:

– *Тоза ичимлик суви ва канализация тизимига эгаллик.*

– *Узлуксиз электр энергияси ва табиий газ (ёки барқарор муқобил иситиш маҳсулотлари) билан таъминланганлик.*

– *Сифатли тиббий хизмат ва зарур дори-дармонларни сотиб олиш имконияти.*

– *Болаларнинг сифатли мактабгача ва мактаб таълими олиш имконияти.*

3. WI бўйича кўрсаткичларни шакллантириш. Юқоридаги иккита субиндикаторга нисбатан мамлакатда меҳнат бозоридаги фаолликни аниқлаш ва ундан индексда фойдаланиш имконияти ҳозирча бироз пастроқ. Бунга яширин бандлик ва мавсумий меҳнатнинг улуши юқорилиги ҳам қисман сабаб бўлади. Бироқ келгусида ушбу кўрсаткични мунтазам аниқлаш ва эълон қилиш амалиёти тўлиқ йўлга қўйилса, уни расмий бандлик билан биргаликда, уй хўжалигининг “барқарор даромад келтирувчи бандлик даражаси” сифатида қайта ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Ҳозирча мантиқан WI ўрнида индексни ҳисоблаш учун расмий ишсизлик кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин.

Таҳлил этилган имкониятлардан келиб чиқиб ҳамда мавжуд статистика маълумотлардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон учун AROPE индекси қийматини шартли ёндашув сифатида ҳисоблаш орқали (2025 йил якунига кўра) 7,5-8,0%ни ташкил этади, дейиш мумкин. Бунда монетар камбағаллик 5,8%ни[14], расмий ишсизлик 4,8% ва Жаҳон банки маълумотларига кўра эса кўп ўлчамли камбағаллик даражаси 2,3 %ни ташкил этган [15].

Бироқ индексни ҳисоблаш методологияси бўйича барча субиндикаторларни умумий қўшган ҳолда ҳисоблаганда, Ўзбекистонда 2025 йил якунларига кўра AROPE индекси бўйича камбағал аҳоли улуши 12,9%ни ташкил этади. Чунки, 7,5-8,0%ли кўрсаткич бу назарий шартли рақамлар ҳисбланади. Амалиётда эса монетар камбағал инсон ёки оила аъзоларининг депривацион чекланганлиги ва ишсиз эканлиги бир вақтда бўлиши бевосита унинг AROPE бўйича камбағаллик даражасида қолишига замин яратади.

Хулоса ва таклифлар

Камбағалликни AROPE индекси усулида ўлчаш халқаро миқёсда, айниқса ривожланган давлатларда ижтимоий сиёсатни режалаштиришнинг энг самарали тизими эканлигини аниқ. Ушбу усул фақатгина инсоннинг даромадини эмас, балки унинг жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида эркин ва барча учун тенг шароитларда яшаш имкониятларини баҳолайди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқиладиган ушбу усул амалиётда қўлланилаётган усулларга муқобил тарзда ва айрим мақсадли дастурларни амалга оширишда фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Хорижий тажрибалар таҳлили ва Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ислохотларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни илгари суриш мумкин:

1. 2030 йилгача босқичма босқич Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Статистика қўмитаси ҳамкорлигида AROPE индексига асосланган “Миллий камбағаллик индекси” методологик асосларини яратиш зарур. Бунда ўша давргача барча субиндикаторларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш бўйича мос йўналишдаги илмий-тадқиқот муассасаларини жалб этиш ҳамда илмий-тадқиқотларни амалга ошириш зарур.

2. Статистика қўмитаси томонидан ўтказиладиган “Уй хўжаликлари бюджети кузатувлари” сўровномаларига шахслар ва оилаларнинг моддий ва ижтимоий маҳрумликлари (депривация) ҳамда меҳнат фаоллигини AROPE индекси услубиёти бўйича баҳоловчи махсус бўлимлар киритиш лозим.

3. Мамлакатда аҳоли камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда фақат молиявий инструментлардан эмас, балки меҳнат фаоллиги паст бўлган уй хўжаликларини бандлиги оширишга қаратилган тизимли муаммоларни ҳал этиш лозим.

Умумий олганда, AROPE индекси усулининг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистонда “ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги” тамойилининг реал ижросини таъминлашга ҳамда ижтимоий ҳимояга йўналтирилаётган бюджет маблағларининг манзиллилигини кескин оширишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Еврокомиссиянинг 2026 йил 6 майдаги Камбағалликни қисқартириш ва ногиронлар ҳаётини яхшилаш учун янги чораларни эълон қилишга бағишланган баёноти. https://ec.europa.eu/commission/presscorner/detail/en/ip_26_946
2. Евростат маълумотлари. <https://ec.europa.eu/eurostat/web/products-eurostat-news/w/ddn-20260430-1>
3. Eurostat (2021). Methodology of Eurostat: At risk of poverty or social exclusion (AROPE). Eurostat Statistics Explained.
4. Townsend, P. Poverty in the United Kingdom, London, 1979. <https://www.poverty.ac.uk/free-resources-books/poverty-united-kingdom>
5. Amartya Sen. Capabilities and Commodities. New York, 1999, Oxford University Press, p-45. <https://ophi.org.uk/research/amartya-sen-and-ophi>
6. Atkinson T and others. Social Indicators: The EU and Social Inclusion. 2002. <https://academic.oup.com/book/4330>
7. Guio A. C., Gordon D., Marlier E., Najera Catalan, H., & Pomati M. Towards an EU measure of child deprivation. Child Indicators Research. 2018, 11(3), 835-860. <https://doi.org/10.1007/s12187-017-9491-6>
8. Copeland. P., Daly M. /Varieties of poverty reduction: Inserting the poverty and social exclusion target into Europe 2020/. [Volume 22, Issue 3](#). 2020.
9. Dapena A.D, Vázquez E.V., Morollón F.R., Vinuela A. /Mapping poverty at the local level in Europe: A consistent spatial disaggregation of the AROPE indicator for France, Spain, Portugal and the United Kingdom/. Regional Science Policy & Practice/ Volume 13, Issue 1, 02.2021, Pages 63-82.
10. Matsaganis M., Leventi C. The distributional impact of austerity and the recession in Southern Europe. South European Society & Politics 19(3):393-412, 2014.
11. Европа Иттифоқи статистика бюроси. [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Glossary:Severe_material_and_social_deprivation_rate_\(SMSD\)](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Glossary:Severe_material_and_social_deprivation_rate_(SMSD))
12. Европа Иттифоқи статистика бюроси. https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Living_conditions_in_Europe_poverty_and_social_exclusion#Poverty_or_social_exclusion
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.08.2021 йилдаги 544-сон “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида” қарори. <https://lex.uz/docs/5606697?%2000>
14. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари. https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_3495.pdf
15. Жаҳон банкининг “Камбағалликнинг кўп ўлчамли чоралари” таҳлилий шарҳи, 2026 йил апрель. <https://www.worldbank.org/en/topic/poverty/brief/multidimensional-poverty-measure>